



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2018 йил 11 сентябрь, № 187 (7145) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

БЕЛАРУСЬ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА РАСМИЙ ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко 2018 йил 12 — 14 сентябрь кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.

Бўлажак олий даражадаги учрашув ва музокараларда икки томонлама ҳамкорликка доир кенг қўламли масалаларни муҳокама қилиш, сиёсий мулоқотни, савдо-иқтисодий, инвестиция, фан ва таълим, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустахкамлаш ва ривожлантиришнинг узок муддатли истиқболга мўлжалланган асосий йўналишларини белгилаб олиш режалаштирилган.

Ўзбекистон ва Беларусь Президентлари минтақавий ва халқаро сўбатнинг долзарб масалалари юзасидан ҳам фикр алмашадилар.

Ташриф доирасида Тошкент шаҳрида «Беларусда ишлаб чиқарилган» миллий кўргазмаси ташкил этилади, шунингдек, икки мамлакат ишбилармон доиралари ва ҳудудлари раҳбарлари иштирокида қўшма бизнес ва ҳудудларо ҳамкорлик форуми бўлиб ўтади.

Олий даражадаги музокаралар якунида давлат раҳбарларининг қўшма баёноти, Ўзбекистон ва Беларусь ўртасидаги кўп қиррали дўстона алоқаларга янги суръат бахш этишга қаратилган салмоқли давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро қилишувлар ва бошқа ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда.

«ЎЗБЕКИСТОННИ СОФИНИБ ЯШАЙМИЗ»

Шаҳрисабз шаҳрида Халқаро мақом санъати анжумани голиб ва совриндорлари аниқланди.



Беш кун мобайнида юртимиз ахли маҳаллий ҳамда хориждан келган санъаткорлар ижросида мақом санъатининг бетакрор наволаридан баҳраманд бўлишди. Хар куни юзлаб шинавандаларнинг Оқсарой майдонида оқиб келиши, жой этишмаси-да, белгиланган ҳудуддан ташқарида туриб бўлса ҳам тунги соат 23 га қадар давом этган танловда чиқш қилаётган созанда хонандаларни олқишлаб туриши, ушбу анжуманининг нақадар халқона эканлигини исботлади. Нафақат Оқсарой майдонида, шу билан бирга, Қашқадарё вилоятининг Китоб, Шаҳрисабз, Чироқчи, Яқабоб туманларида ҳам чет эллик санъаткорлар иштирокида концерт дастурлари ташкил қилинган эса чин маънода мухлис ва санъаткор қалбини туташтирувчи кўприк вазифасини ўтди.



Меҳмонлар ушбу анжуман баҳона, халқимизнинг урф-одатлари, яшаш тарзи билан ҳам яқиндан танишишди. Бағрикенглик, ширинсўзлик, меҳмоннавозлик каби азалий хислатларимизга гувоҳ бўлишди. Ким билан суҳбатлашмайлик — у созанда ёки хонанда, ҳакамлар ҳайъати аъзоси ёхуд мусиқашунос бўлсин, ҳамма-ҳаммаси мазкур фестивал хусусида тўлиб-тошиб ўз фикрларини баён этишди. «Анжуман баҳонасида келиб, Ўзбекистонга ўрганиб қолдик, энди кетгимиз келмапти, бу юртин соғиниб яшаймиз» дея дил сўзларини изҳор этишганида, очиги, фахру гурудан бошимиз кўкка етди.

10 сентябрь. Шаҳрисабзда жойлашган Оқсарой майдонидаги амфитеатрда форум иштирокчилари ҳамда меҳмонлар, юртимиз маданияти ва санъат намоёндалари, жамоатчилик вакиллари иштирокида Халқаро мақом санъати анжуманининг тантанали ёпилиш маросими бўлиб ўтди. Тунининг «Al Gharbi Twins», Япониянинг «SPC Japan» жамоалари ва Туркманiston вакили Суҳонберди Оразбердиев учинчи ўринга лойиқ деб топилди. Эроннинг «Настар» ансамбли ва ҳиндистонлик Устод Иқбол Аҳмад Хон иккинчи ўринга муносиб кўрилди.

Ўзбекистоннинг «Хайрати» жамоаси солисти Нигор Шабанова ва Ўзбекистоннинг «Сақил» ансамбли биринчи ўринга сазовор бўлди. Халқаро мақом санъати анжуманининг бош соврини — Гран-при Тожикистоннинг «Мақом академияси» га топширилди. — Жуда ҳаяжонданам. Ушбу фестивалда иштирок этишнинг ўзи биз учун катта шараф, — дейди мазкур гуруҳ аъзоси, Тожикистон халқ артисти Абдували Абдурашидов. — Бош совринни қўлга киритишим асар тарихий воқеа бўлди. Хозир қалбимда кечаятган ҳаяжон, фахр-ифтихорни сўз билан ифодалаш қийин. Фур-

сатдан фойдаланиб, ушбу фестивални ташкил этган Ўзбекистон раҳбариятига, бизга жуда катта ҳурмат кўрсатган санъатсевар Ўзбек халқига миннатдорлик изҳор этаман. Маросимда юртимиз санъат усталари ва ёш ижроичилар томонидан концерт дастури намойиш этилди. Мақсуд ЖОНИХОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири. Шамурат ШАРАПОВ олган сурат.

Халқаро мақом санъати анжумани иштирокчиларининг таассуротлари билан газетамизнинг 4-саҳифасида танишасиз.

Ўзбекистон — Беларусь: ВАҚТ СИНОВИДАН ЎТГАН ДЎСТЛИК

Беларусь Республикаси Президенти Ўзбекистонда расмий ташриф билан бўлади. Албатта, сўнгги икки йил ичида мамлакатларимиз етакчиларининг фаол мулоқотларидан кейин ушбу ташрифнинг амалга ошиши табиий эди.

Ўзбекистон делегациясининг Беларусь Республикасига ташрифи бўлиб ўтди. Савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги алоқаларни кучайтириш бўйича 2018 йилга мўлжалланган «Йўл харитаси» рўёбга чиқариш масалалари муҳокама қилинди. 2018 йил августда белорус делегациясининг юртимизга ташрифи чоғида Ўзбекистон Республикаси ва Беларусь Республикасининг икки томонлама ҳамкорлиги бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссиясининг йиғилиши ўтказилди. Унда биргаликда истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш масалалари диққат марказида бўлди. Мажлис якунларига қўра, икки давлат ўртасидаги муносабатларни янада мустахкамлаш бўйича 2019-2020 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар режаси тасдиқланди. Самарали алоқаларимиз кўпга соҳаларни қамраб олган ҳамкорликнинг муҳим жиҳатидир. Беларусь БМТ-нинг барча тузилмаси ва бошқа халқаро ташкилотларда Ўзбекистонни фаол қўллаб-қувватламоқда. Беларуснинг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти сингари халқаро майдонда ўз мақомини мустахкамлаб олишида эса Ўзбекистоннинг катта ўрни бор.

Ҳамад бин Абдулрахмон ал-Аттия: ЎЗБЕКИСТОН ҚИТЪАДАГИ ОТ СПОРТИ РИВОЖЛАНГАН ЙИРИК МАРКАЗГА АЙЛанаДИ



Мамлакатимизда кечаятган янгилиниш ва ўзгаришлар эпкини йилқичилик ҳамда от спорти соҳасини ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Натижада кўп йиллар эътибордан четда қолиб кетган мазкур жаҳа тубдан ислоҳ қилинмоқда. Бу жараёнда, аввало, тизим моддий-техника базасини мустахкамлаш, инфратузилмасини такомиллаштириш, йилқичиликда наслчиликни қайта тиклаш, спорт отлари етиштириш, ёш чавандозларни тарбиялашга устувор аҳамият қаратиляпти. Мақсад, бир-бири узвий боғлиқ бўлган йилқичилик ҳамда от спортини халқаро талабларга мос равишда ривожлантиришдир. Бундай саъй-ҳаракатлар самараси секин-аста кўзга ташланмоқда. 2018 йилги энг йирик мусобақалардан бири ҳисобланган От спортининг тўсиқлардан сакраш (конкур) тури бўйича Жаҳон кубоғи (FEI World Jumping Challenge)нинг финал босқичига Ўзбекистон мезбонлик қилгани бунга яққол мисолдир.

Эксклюзив интервью

— Ўзбекистонга хуш келибсиз!
— Хушвақт бўлинг, раҳмат!
— Утган йили федерация президенти лавозимига киришганингиздан сўнг илк сафарини Ўзбекистонга уюштирган эдингиз. Орадан маълум вақт ўтиб, яна мамлакатимизда меҳмон бўлиб турибсиз. Айтинг-чи, ушбу қисқа давр ичида юртимиздаги қандай ўзгаришлар эътиборингизни тортмоқда?
— Ўзгаришлар жуда кўп. Бунга ҳар қадамда гувоҳ бўляпмиз. Айниқса, от спортидаги охириги бир йил ичидаги янгилинишлар юртингизда кечаятган шид-

датли ислохотларга ҳамоҳанглик касб этган. Бунинг исботи сифатида бир мисол, яъни ҳудудларда халқаро андозаларга тўла жавоб берадиган, ноёб зотли отларни кўпайтиришга иختисослаштирилган замонавий мажмуалар фойдаланишга топширилганини айтиш kiffoя, назаримда. Шу боис аввалги билан бу галги ташрифим давомида олаётган таассуротлар ўртасида фарқ жуда катта. 2017 йилда Ўзбекистонда келганимда ҳукумат аъзолари, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси, Йилқичилик ва от спорти федерациясини сингари соҳага тааллуқли идоралар раҳбарлари билан учрашиб, асосан, ҳамкорлик алоқалари, от

спортини ривожлантириш истиқболларига доир масалалар муҳокама қилинган эди. Бугунги ташриф эса нафақат Жаҳон кубоғи мусобақаларини кузатиш, айни пайтда, бир йил муқаддам белгилаб олинган вазибалар ижросини таҳлил қилиш имконини бермоқда. Очиги, тизимдаги жадал ўзгаришлардан ҳайратданам. Шу маънода, От спортининг тўсиқлардан сакраш (конкур) тури бўйича Жаҳон кубоғи финал босқичини ўтказиш учун Ўзбекистон танлангани юртингиз қўлга киритаётган ушбу ютуқларнинг юксак эътирофи ҳамдир.

Биз ва жаҳон Ўзбекистон — Хитой: Ўзаро муносабатларда Халқ дипломатияси Фаоллашмоқда

Ўзбекистон ва Хитой «ақл марказлари» — илмий-тадқиқот институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари «Бир мақом, бир йўл» ташаббуси доирасида ҳамкорликни кучайтиради. Бу ҳақда пайтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати, вазирлик ва идоралар, илмий-тадқиқот институтлари, дипломатик корпус вакиллари, икки мамлакат оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида бўлиб ўтган халқаро симпозиумда сўз борди. «Тараққиёт стратегияси» маркази томонидан Хитой халқ дипломатияси ассоциацияси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Халқаро стратегиясида транспорт ва логистика инфратузилмасини ривожлантириш долзарб вазибалардан бири сифатида белгилангани кўрсатиб ўтилди. Бу, энг аввало, ташқи иқтисодий муносабатлар ва савдо алоқаларини кенгайтириш, юртимизнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш, туризм соҳаси раванга, энг асосийси, тарихий ва маданий муштарак бўлган минтақамиз халқларининг яқинлашишига замин яратди. Владимир Норовнинг айтишича, Тошкентнинг сўнгги икки йилда шакланган янги минтақавий сиёсати Марказий Осиё мамлакатларининг ўзаро ҳурмат ва ишончни мустахкамлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларини фаоллаштириш, минтақани янги йўналишдаги барқарорлик ва тараққиёт ҳудудига айлантиришда муҳим омили бўлмоқда. Минтақада юзага келган принципал янги сиёсий муҳит Ўзбекистон ва Марказий Осиё бошқа мамлакатларининг Хитой билан «Бир мақом, бир йўл» ташаббуси доирасида ўзаро манфаатли ҳамкорлигини янада мустахкамлашга қўлай шарт-шароит яратди.

Қўшни давлатга автобуслар қатнови янада кўпайди

Термиздан йўлга чиққан автобус Душанбе шаҳрига етиб келганида сурхондарёликларни тантанали кутиб олиш тадбири бўлиб ўтди. Душанбе шаҳридан йўлга чиққан меҳмонлар эса Термиз шаҳри автошохбекатида тантанали қарши олинди.

Кардошлик

— Бу қатнов дилларимизни бир-бири билан боғлайди, — дейди Тожикистон Республикаси транспорт вазири ўринбосари Фаррух Нейматзода. — Одамларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашларини таъминлашга хизмат қилади. Халқларимиз ўртасидаги дўстлик, ҳамжиҳатлик ҳамда эзгуликни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар янраган икки қўшни мамлакатнинг икки шаҳридаги тадбирлар эзгуликка хизмат қилиши билан аҳамият касб этади. Термиз — Душанбе ўртасида-



Илхом РАҲМАТОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Анжуман Пахта теримига мажбурий меҳнатга йўл қўйилмайди

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш ишларини уюшқоқлик билан ташкил этишга бағишланган видеоселектор йиғилишида мавсумни самарали ўтказиш, теримчиларнинг моддий манфаатдорлигини таъминлаш ва пахта етиштирувчи хўжаликларнинг молиявий ҳолатини янада мустахкамлаш борасида амалга оширилаётган ишларга алоҳида эътибор қаратилган эди.



3

Қобил ХИДИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон — Беларусь: ВАҚТ СИНОВИДАН ЎТГАН ДЎСТЛИК

1

Ўзбекистон ва Беларусь Хитойнинг "Бир макон, бир йул" ташаббусини қўллаб-қувватлади ва айни пайтда "Ипак йўлининг иқтисодий белбоғи"ни бунёд этишда қатнашмоқда. Бу, шубҳасиз, узаро биргаликдаги ҳаракатларда янги натижаларни қўлга киритиш имконини беради.

Ўзбек — белорус муносабатлари мустақамлашиб, ҳамкорлик соҳалари кенгайиб бормоқда. Хар икки давлат икки томонлама алоқаларнинг зарур ҳуқуқий асоси ва ўзига хос аъёнларини шакллантирди.

Мустақам алоқалар тарихи

Ўзбек ва белорус халқларининг дўстлиги белорус миллати вакиллари Марказий Осиёга кўчиб кела бошлаган ва Ўзбекистон ривожига катта ҳисса қўшган XIX-XX асрлардаги тарихий жараёнга билан боғлиқ. Масалан, XX аср бошларида Туркияга келган белорус деҳқон фарзанди Константин Адамович Писарчик Қўқон таночилар бўлимида ишлаган. У ўзбек тилини яхши ўрганган ва 20-йиллар бошида маҳаллий аҳоли орасидан ер тузувчилар тайёрлаш курсларини очган.

Белоруслар кириб келишининг кейинги босқичи Туркияда фуқаролар урушининг туғилиши, иқтисодий ва қишлоқ ҳўжалигининг барқарорлашуви билан боғлиқ. Ўзбекистон ва Беларусь ўртасидаги дўстлик Иккинчи жаҳон урушининг машаққатли йилларида янада мустақамланди.

Белорус озоқ қилишда қуролдош биродарлари билан елкама-елка туриб жанг қилган ўзбек аскарларининг ҳам улкан ҳисси бор. Ҳарбий мавзудаги илмий тадқиқотлардан ўзбекистонлик жанчиларнинг Беларусьдаги уруш ҳақиқатларида иштирокини тасдиқловчи қўллаб-қўллаш топширмалари мўмкин. Айни дамда Ўзбекистондан ҳам қўллаб-қўллаш белорус аскарлар, хусусан, Совет Иттифоқи Қаҳрамони бўлган Г. Ставканин, А. Стемпковская, А. Тольга, Е. Белявин, А. Вашкевич, В. Жигунов, Б. Майстренко қабиляр фронтига йўл олган.

Фашистларга қарши урушда белорус заминда ёш ўзбек ўғли Умаржон Усмонов ҳалок бўлди. Фаразанда вафотидан хабар тогган Усмонов ота ихтиёрий равишда фронтга отланди ва айнан ўгли хизмат қилган жойларда мардонвор жанг қилди.

Тошкент педагогика институтининг тарих факультети битирувчиси, келиб чиқиб белорус Елена Стемпковская уруш бошлангичлари ёшлар қўлиниши билан фронтга кетган ва сўнгги нафасига қадар жангларда иштирок этган.

Белорус озоқ қилишда партизанлар ҳаракати катта рол ўйнади. Унинг ҳудудида 6200 дан зиёд партизан отрядлари фаолият юритган. Бу бир миллиондан ортиқ одамларни бирлаштирган яширин қўшин таркибиде турли миллатлар, шу жумладан, ўзбеклар ҳам фаолият кўрсатган. Беларусь партизан отрядида бошчилик қилган Мамадали Тошболдиев номи яхши маълум ва бир қанчалик унинг номи берилган. Уруш йилларида ўзбекистонлик фан ва

маданият арбобларининг республикамизга эвакуация қилинган белоруслик ҳамкасблари билан ҳамкорлиги янада кучайди, чуқур илдиз отди. Масалан, уруш йилларида Ўзбекистонга эвакуация қилинган таниқли белорус шоираси Эди Огневет кейинчалик ўз хотираларида шундай ёзган эди: "...Кеч белорус қузи, айниқса, қишда кўнгил баҳорги илқилкини қўсайди. Бундай илқилкини мен ўзбек дўстларимнинг китоблари, мактублари, кўнгируқлари ва улар билан учрашувлардан топаман... Дўстларим билан учрашувлар, уларнинг суҳбатлари, самимий кулгиси Беларусьсия билан айрилиқ кўнларимда мени оёққа тургизган бекис мўлҳам бўлганди. Душман устидан голиб чиқишга бўлган қучли ишонч барчамизнинг қалбларимизга олов ёққан. Бизнинг кўнгимизни мана шундай Дўстлик иситган..."

Ўзбекистонга эвакуация қилинганлар орасида замонавий белорус адабиёти асосчисидан бири, атоқли ихидоржор Якуб Колас ҳам бўлган. Буюқ белорус шоири ва жамоат арбоби халқларимиз ўртасидаги дўстона алоқалар ривожига улкан ҳисса қўлди. Тошкентда шоирнинг бости ўрнатилган.

Ўзбекистон ва Беларусь маданиятида ўзбекистон халқ шоири Зулфиянинг ҳаёти ва ижоди алоҳида ўрин тугади. Беларусь шоирлари томонидан унинг бадиий асарлари бир неча бор таржима қилинган. Шоира қаламига мансуб шеърларнинг белорус тилида янрашига Эди Огневет, Евдокия Лось, Степан Гаврусев, Рыгор Бородулин, Олег Лойко, Юрась Свирко, Вера Верба, Анатолий Вертинский, Фёдор Жичка, Аркадий Мартиноич, Сергей Граховский ва бошқалар сабабчи бўлдилар.

Уруш йилларида белорус олимларининг ҳам каттагина қисми Ўзбекистонга кўчириб келирилган. Бу 1942 йил январдаёқ Беларусь Республикаси Фанлар академияси фаолиятини қайта тиклаш имконини берди. Жумладан, академик Евгений Алексеев Ўзбекистонда ilk бор экиллаётган давлати уругини қадаш ва парвартиллаш усуллари ни ишлаб чиқишда қатнашган бўлса, академик Оскар Кедров-Зюман ўрғиллашнинг янги усуллари ни тақлиф қилган. Беларусь Фанлар академияси академиги Андрей Прокопчук раҳбарлигида Ўзбекистонда тиббий препаратлар ишлаб чиқариш бўйича лаборатория ташкил қилинган.

50-йилларга келиб белорусларнинг Ўзбекистонга кўчиб келиши янада кўпайди. Улар тўқимачилик тармоғи янгитдан барпо этилаётган Ўзбекистонга ушбу sanoaтни ривожлантиришга ёрдам беришга интилдilar.

1966 йилги зилзиладан кейин Беларусь ҳам биродарлик қўлини чўдаи. Тошкент вагонларда "Гомель ёрдамга шошиллди", "Солигорск ишончи оқлайди" ишорилари қадалган поэмалар йўлга чиқди. 2 минг нафар белорус курувчилари томонидан қўсқа муддатларда 26,6 минг квадрат метр тураржой ҳамда 960 ўринлик мактаб бунёд этилди.

70-йилларда Трактор заводи очилиши муносабати билан Тошкентда Беларусьдан қўллаб-қўллаш маърузаси кўчиб келди. Улар ишлаб чиқаришнинг барча соҳасида,

илмий ва маданий муассасаларда фаолият олиб бордилар.

Халқ дипломатияси

Масофаларнинг узоклиғига қарамаздан, Ўзбек — белорус халқларининг дўстона алоқалари улкан Евросий ҳудудида истиқомат қилувчи икки миллат тақдирларининг ўз-ўзи боғланиб кетганлиғи ҳосиласидир. Умумий, биродарлик, ҳамфиқрилик, хайрихолик бугунги кўнга қадар сақланиб келди. 18 минг кишини ташкил қилувчи кўп сонли белорус жамоатчилиғи Ўзбекистонни ўз Ватани деб билади. Беларусьликларда яшовчи белорусларнинг аъёнлари, урф-одатлари ва қадриятларини сақлаш ҳамда ривожлантириш учун "Свитанак" белорус маданий маркази фаолият кўрсатмоқда. Икки республика ҳаётидаги эътиборга молик саналар кенг ишончлангати. "Свитанак" мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришга хизмат қилаётган кўрсатмалар, семинарлар, анжуманларда иштирок этмоқда.

Икки томонлама алоқаларни мустақамлашда ўзбек ва белорус ёшларининг манфаатлари муштарақлиғи алоҳида аҳамиятга эга. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан Беларусь Республикаси ёшлар иттифоқи ўртасида ҳамкорлик битими тузилиши режалаштирилаётгани ушбу жараёнга янги суръат бахш этиши шубҳасиз. Ўз навбатида, Ўзбекистон ёшлари вакиллари "Витебскдаги славян бозори" халқаро санъат фестивалида мунтазам қатнашиб келмоқда. Ўзбекистон ва Беларусь ёшлари бир-бири ни таниши, меҳр-оқибат, дўстлик ва ҳамфиқрилик руида мулоқот қилиши лозим.

Белорус жамоатчилиғида ўзбек миллий аъёнларига қизиқиш сезиларли равишда ўсиб бормоқда. Қўллаб-қўллаш миллий таомлари ресторанилари, "Пловберий" махсус хизмати фаолият олиб бораётгани ўзбек ошқонаси бу ерда қанчалар шўқрат қозонгандан далоят беради. Бугун Минск аҳолиси хонадонларига ўзбек ошқонаси аъёнларига амал қилган ҳолда тайёрланган машҳур таомларимиз етказиб берилгати.

Ҳамкорлик салоҳияти

Ўзбекистон — Беларусь ўртасидаги бугунги алоқалар, бу — икки шерик ва дўстининг узаро муносабатларидир. Ўтган 25 йил давомида мамлакатларимиз икки ва кўп томонлама асосда узаро мустақам алоқаларни ўрнатди. Шу маънода, Беларусь Президентининг Тошкентга қилажақ ташириши нафақат олдинда турган ҳамкорлик истиқболларини батафсил муҳокама қилиш, белги алоқаларни чуқурлаштириш ҳамда кенгайтириш бўйича аниқ қарорлар қабул қилиш имконини беради. Қўлаверса, экспортларнинг қайд этилиши, мазкур ташириш ўзбекистон — Беларусь муносабатлари тарихига янги саҳифа битиш учун асос нўқтасига айланганди.

Ўзбекистон ва Беларусь ўртасидаги иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ҳамда диверсификация қилиш, уларни узаро бир-бирини тўлдиритиш асосида бар-

по этиш лозим. Икки давлат компаниялари узаро алоқаларни раванқ топтириш ва кооперацияни ривожлантириш ҳамда одадий экспорт-импорт амалиётилари доира-сидан ташқарига чиқиш авазига янада изчил ҳамкорликни йўлга қўйишга тайёр турибди. Мамлакатларимизда фармацевтика, туризм, энгил sanoaт, автомобилсозлик каби тармоқларда бизнес ҳамда инвестициялар учун улкан салоҳият мавжуд. Бугунги кўнда автомобиль ҳўсийатли қўсма-лик, агроsanoaт, тоғ-кон ва қурилиш асбоб-усулларини ишлаб чиқариш соҳасида шериклик қилиш бўйича кенг имкониятлар очилди. Давлатлараро илмий-техник ҳамкорлик, инновациялар ва янги техно-

си қурилиши тўғрисида қарор қабул қилинди. Шу муносабат билан Беларусьнинг ядро энергетикаси дастурларини амалга ошириш бўйича тажрибаси ҳамда Беларусь АЭС иншоотидан фойдаланиш алоҳида долзарблик касб этади.

Ўзбекистон Беларусь билан рақамли иқтисодийни тараққий топтириш бўйича ҳам ҳамкорлик қиломоқчи. Мамлакатимизда рақамли тизимларни ривожлантириш воситасида аҳоли турмуш сифатини ошириш мақсадида "Ақли шаҳар" лойиҳаси ва "Mirzo Ulugbek innovation center" инновация маркази ишга туширилди. Ўз навбатида, Беларусьда Силикон vodiйсининг ўзига хос мўқобил қурилишини ифодалаган ҳамда

жумладан, 19 та қўшма корхона ишлаётгани ҳам бунинг тасдиғидир.

2017 йилда Беларусьнинг "Амкордор" ва "Бобройскагромах" холдинглари томонидан йўл-қурилиш ҳамда қишлоқ ҳўжалиғи техникаларини ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхоналар ташкил этилди. Минск трактор заводи биргаликда Тошкентда тракторлар ишлаб чиқариши йўлга қўйди. Ўзбекистон поштахотида озиқ-овқат sanoaти ва ветеринария учун реагентлар (кимёвий модда — таҳр.) тайёрлаш бўйича қўшма корхона очилди. Ўзбекистонда талаб мавжуд бўлган тиббий дори-дармонлар ва воситалар ишлаб чиқариладиган қўшма корхона эса ишга тушиш арафасида турибди. Айни чоғда энгил sanoaт соҳасида ҳам қўшма корхона ташкил этиш бўйича ишлар олиб борилаётди.

Узаро савдо ҳўжмини ошириш бора-сидиғи салоҳияти юксак даражада. Чўночи, 2018 йилда Ўзбекистон ва Беларусь ишбилармон доиралари ўртасидаги алоқалар жадаллашди. Жорий йил июнь ойида Минскда ўтказилган ўзбек — белорус давра суҳбатиде давомида узаро савдо-иқтисодий муносабатлар истиқболлари қўриб чиқилди. Икки мамлакатнинг инвестициявий иқлими, экспорт ва туристик салоҳияти тақдироти бўлиб ўтди. Корхоналар ва ташкилотлар ўртасида ҳамкорлик қилиш бўйича қатор савдо битимлари ҳамда шартномалари имзоланди. Август ойида Могилёвда ўзбек — белорус бизнес форуми ташкил этилди. Таъдбир иштирокчилари томонидан ўн миллион долларлик шартнома қабул қилинди, қўшма корхона ташкил этиш бўйича келишувларга эришилди. Сентябрьда Тошкент шаҳрида ҳам ўзбек — белорус ийрик бизнес форуми ҳамда "Made in Belarus" кўрсатмаси ўтказилди. Унда "БелАЗ", "МТЗ", "Белшина", "Белорусская лесная компания", "Белорусская керамика", "Адани", "БелОМО", "Конте СПА", "Коммунарка", "Бабушкина кранка", "Белорыба" каби юзлаб корхоналар қатнашди.

Белорус компанияларида республика-ми билан савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришга бўлган қизиқиш ортиб бораётгани мамлакатимизда бизнес соҳасида чуқур исплохотлар рўёбга чиқарилаётгани, валютани эркин конвертация қилиш тартиби киритилгани ва боҳжона боҳжлари сезиларли даражада камайитрилгани билан изоҳланади. 2018 йил февраль ойидан бошлаб хорижлик импортчилар учун озиқ-овқат бозори ҳам очилди.

Президент Александр Лукашенконинг юртимизга бўлажақ таширишга Ўзбекистонда катта аҳамият қаратилмоқда. Зотан, Ўзбекистон — Беларусь муносабатларини ривожлантириш бугунги кўнда икки давлат ташқи сийосатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бинобарин, икки томон ҳам узаро дўстона алоқаларни амалий мазмун билан бойитишга тайёрдир.

Алексей КУСТОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Стратегия ва интиқаллар
институтини бош илмий ходими.

МАЪЛУМОТ УЧУН:

2017 йилда Беларусь ЯИМ 54,44 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Иқтисодийнинг ялли ички махсулотдаги етакчи тармоқлари: хизматлар — 51,1 фоиз, sanoaт — 40,6 фоиз, қишлоқ ҳўжалиғи — 8,3 фоиз. Аҳоли бошига ЯИМ ҳиссаси 5 минг доллардан тўғри келади.

Белоруснинг 2017 йилдаги умумий товар айланмаси 50,4 млрд долларни ташкил қилган. Шундан 24,2 миллиард доллар экспорт, 26,2 миллиард доллар импорт ҳиссасига тўғри келади.

2017 йилда Ўзбекистон ва Беларусь ўртасидаги ташқи савдо ҳўжми икки баробардан зиёд ўсиб, 131 млн АҚШ долларига етди. 2018 йилнинг биринчи ярим йиллигида узаро товар айирбошлаш 90 млн доллардан ошди. Ўзбекистонда Беларусь капитал иштирокида 23 та, жумладан, 19 та қўшма корхона фаолият олиб борапти.



Белоруснинг 2017 йилдаги умумий товар айланмаси 50,4 млрд долларни ташкил қилган.

логияларни жорий этиш бўйича истиқболлар алоҳида эътиборга лойик. Бинобарин, Беларусьда бу борада салмоқли тажриба тўплаган. Сайёҳлик оқимларини кўпайтириш учун ҳам имкониятлар етарли.

Биз Ўзбекистон — Беларусь ўртасида харбий-техник ва харбий-иқтисодий тармоқлар бўйича ҳамкорликда узаро фойдаланиш ҳамда икки томонлама алоқаларни ривожлантириш учун улкан истиқболларни кўрялмиш. Мазкур давлат муқоффа сектори корхоналари ишлаб чиқарилаётган махсулотлар қўқори сифати ва ишончилиғи билан ажралиб туради. Зеро, шунинг шарофати билан Беларусь дунё бўйича харбий техникалар ҳамда қурол-яроғлар ишлаб чиқарувчиларнинг энг йирик йиғирмаларини сафидан ўрин олган. Биргина утган йилнинг ўзида мазкур давлат қиймати 1 млрд доллардан зиёд харбий махсулотларни экспорт қилган.

Маълумки, Ўзбекистон ҳўкумати томонидан республикада атом электростанция-

П-бизнесни қўллаш ва муваффақиятли ривожлантиришга хизмат қилувчи алоҳида иқтисодий зона — юқори технологиялар парки фаолият юритиб келмоқда. Юқори технологиялар ва инновацион салоҳиятни уйғунлаштириш жаҳасидаги узаро муносабатлар ҳам Ўзбекистон, ҳам Беларусь фойдалана оладиган улкан иқтисодий самарадорлик тақдироти таъмин.

Ўзбекистоннинг Беларусь билан муносабатларини ривожлантиришдан юқори даражада манфаатдорлиғи алоқалар раванқга кўчи туртки бериш ва савдо-иқтисодий ҳамкорликни янги даражага кўтаришга қодир. Утган йилда мамлакатларимиз ўртасидаги ташқи савдо айланмаси 131 млн долларни ташкил этиб, икки баробардан зиёд ўсгани ҳам шундан далоят бериб турибди. Бу борадаги иқтисодий ўсиш жорий йилда ҳам давом этипти. Хусусан, 2018 йилнинг биринчи ярмида махсулот айирбошлаш ҳўжми 90 миллион доллардан ошиб кетди. Ўзбекистонда Беларусь капитал иштирокидаги 23 та, шу

Парламент ҳаёти

2018 йилнинг биринчи ярмида "Ўзбекэнерго" АЖ томонидан 30,9 миллиард кВт. соат электр энергияси ишлаб чиқарилган, бу кўрсаткич 2017 йилдагига нисбатан 180,4 миллион кВт. соат кўп. Бу ҳақда "Ўзбекэнерго" АЖ бошқаруви раиси сенаторларга ахборот берди.

«ЎЗБЕКЭНЕРГО» АЖ БОШҚАРУВИ РАИСИ АХБОРОТ БЕРДИ

Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий исплохотлар масалалари қўмитасининг навбатдаги мажлисида "Ўзбекэнерго" акциядорлик жамияти корхоналарини модернизация ва диверсификация қилиш ҳўжбасига миллий иқтисодийнинг рақобатдорчилиғини ошириш ҳамда тизимдаги дебитор қарздорликни камайитириш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида батафсил тўхталиб ўтилди.

Унда қайд этилишича, акциядорлик жамияти ва унинг таркибидеги корхоналар томонидан электр энергетикаси соҳасини тақомиллаштириш, электр энергиясини ҳосил қилиш, узатиш, тақсимлаш, реализация ва истеъмол қилишда янгилаб ёндашуш ҳамда иш усуллари жорий этиш юзасидан салмоқли таъдбирлар йўлга қўйилган. Жамият таркибий тузилмаси мунтазам равишда тақомиллаштирилиб бориломоқда.

Жамият томонидан 2018 йилнинг олти ойида дебитор қарздорлик 3,9 триллион сўмга қисқартирилган. Шу жумладан, муддатли ўтган дебитор қарздорлик йил бошида 341,3 миллиард сўмни ташкил этиб, жорий йилнинг 1 июль ҳолатига кўра 315,5 миллиард сўмга қисқартирилган. Тизимда зарар билан ишлаётган корхоналар шу кўнга қадар 5 тага камайган.

ТўЛОВ ИНТИЗОМИНИ МУСТАҚАМЛАШГА ДОИР ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИЛАДИ

Йил бошидан буён мамлакат миқёсида 13 минг 900 га яқин уй-жойлар қуриб берилди. Жумладан, республиканинг олис ва яқин шаҳар ҳамда туманларида 335 та кўп қаватли уйлар қад кўтарди. Бу рақам 2017 йилдагига қараганда, икки баравар кўп дегандир. Албатта, бу яхши, ammo кўп қаватли уйларда яшовчилар учун етарли шарт-шароит яратиш масаласи қандай ҳал этилгати?

Уй-жой коммунал хизматларини кўрсатиш соҳасидаги вазиет ва муаммолар Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқ сақлаш масалалари қўмитаси ишчи гуруҳининг "Уй-жой коммунал хизматларини кўрсатиш ва аҳолининг ихтимойий ҳўжатдан химоя қилинишини таъминлаш тизими тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қўн ҳўжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қўнун муҳокамасига бағишланган йилги йилгида ўрганилди.

ЁШ ФЕРМЕРЛАР УЧУН ИМТИЁЗЛАР

Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиғи масалалари ва экология қўмитаси ишчи гуруҳининг йилги йилгида эса "Қишлоқ ҳўжалиғида экин майдонларидан самарали фойдаланиш механизми тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қўнун ҳўжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қўнун муҳокама қилинди.

У қишлоқ ҳўжалиғидаги экин майдонларидан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатларни тартиб соладиغان бир неча қўнунларни умумлаштириш ва замон талабларига мос равишда тақомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилди.

Ушбу ҳўжатга кўра, Ер кодекси, "Фермер ҳўжалиғи тўғрисида", "Деҳқон ҳўжалиғи тўғрисида"ги қўнунларга киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар ёш фуқаролар томонидан деҳқон ҳамда фермер ҳўжалиқлари ташкил этиш, ер участкаларини олиш жараёнида имтиёзлар тақдир этишининг ҳўқуқий асосларини мустақамлаштириш назарда тугади.

Бунда фермер ҳўжалиғи юритиш учун ер участ-

энергияси ва газ учун тўлов интизоми мустақамлаш, коммунал хизматлар учун ўз вақтида, муҳими, тўлик ҳақ тўланишига эришиш назарда тутилмоқда, — дейди Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раис ўринбосари Гаваҳ Алимова.

Бундан ташқари, мазкур Қўнун дебитор қарздорликни камайитиришга қаратилган нормалар билан тўлдирилмоқда.

Эндиликда ушбу ҳўжат билан "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қўнунига киритилаётган қўшимчаларга мувофиқ, Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган рўйхат бўйича — I ва II гуруҳ унинг имтиёзли пенсияларга таъинлаш тартибини тақомиллаштиришга қаратилган.

— Қўнун билан Уй-жой кодексига ичимлик суви, электр

қасини олишда фермер ҳўжалиғи ташкил этилаётган жойда яшовчи шахслар, шунингдек, туман фермер, деҳқон ҳўжалиқлари ва томоҳра ер эгалари кенгашининг ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи туман (шаҳар) кенгашининг биргаликда берилган тавсиясига эга бўлган ёш фермерларга афзалликлар тақдим этилиши белгилан қўйилмоқда.

Бундан ташқари, ушбу Қўнунда таъдбиркорлик фаолияти эркинчилиғининг кафолатлари тўғрисидаги, ер ва солиқ ҳақидаги қўнун ҳўжатларига ҳам тегишли ўзгаришлар киритилиши кўтилапти.

Мунисхон ҚАРИМОВА,
«Халқ сўзи» муҳбири.

АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИГА ОИД МУАММОЛАР ЖОЙИДА ҲАЛ ЭТИЛМОҚДА

Бухоро вилоятининг Ғиждувон туманида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан, шу жумладан, ичимлик сувдан оқилана фойдаланиш, сув муҳофаза зоналари тартибини риоя этилишини таъминлаш, бу борада юридик ва жисмоний шахсларнинг масъулиятини оширишга қаратилган қўнунчиликни тақомиллаштириш масалалари муҳокамасига бағишланган таъдбир бўлиб ўтди.

Олий Мажлис Қўнунчилик палатасидаги Экоҳақрат депутатлар гуруҳи, қўйил палатага мазкур вилоятдан сайланган депутатлар ҳамкорлигида ташкил этилган таъдбирда муносабати ташкилотлар, жамоатчилик вакиллари ҳамда журналистлар иштирок этди.

Таъкидланганидек, давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 29 июнь куни Тошкент шаҳрининг Олмазор туманига ташириш ақунларига бағишланган кенгайтирилган мажлис баёни қарорига асосан, Олий Мажлис Қўнунчилик палатаси ва Сенатига барча манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда сув ресурсларини муҳофаза қилиш, сувдан оқилана фойдаланиш билан боғлиқ қатор масалаларда жа-воабгарлиқни кўчайтиришга қаратилган Маълумий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш бўйича муҳим вази-фалар белгилан берилди.

Депутатлар жойларга чиқиб, ҳақиқий аҳолини ўрганипти, аҳоли билан бевосита мулоқотга киришиб, одамларнинг фикр-мулоҳазаларини тинглашпти. Шу аснода атроф-муҳит муҳофазаси билан боғлиқ қўллаб муаммолар жойида ҳал этилгати.

Мониторинг натижаларининг кўрсатишича, аҳоли пунктлари ҳудудларида санитар ва экологик ҳолат ёмонлашуви сабабларидан бири чиқиндиларнинг дўч келган жойга, жумладан, сугорит тармоқлари ичига, сув муҳофаза зоналарига ташланиши билан боғлиқ, — дейди Олий Мажлис Қўнунчилик палатаси депутати Назир Собиров. — Масалан, Ғиждувон туманида Пермас, Қалқонруд каналлари ва Мавланиён коллектори сув муҳофаза зонасида аҳоли ҳамда ташкилотлар томонидан 50 дан зиёд уй-жой, овқатланиш, хизмат кўрсатиш

шоҳобчалари қурилган. Бугина эмас, Жилвон канали ёқасида узунлиғи 300 метрга чўзилган қўнунчи ахлатхоналар юзага келган. Депутатлар ишчи гуруҳи ташаббуси билан бундай ахлатхоналардан икки минг тонна чиқинди чиқарилиб, сув муҳофаза зонаси тартибга келтирилди.

Ишчи гуруҳига ахборитдан тушган мурожаатларнинг бир қисми экология, атроф-муҳит таъминоти оид эканлиғи ҳам беҳисоб эмас.

Таъдбирда тўплаганлар эътибори ана шу масалалар ечимига қаратилди.

— Қасбим шифокор бўлгани боис инсон саломатлиғининг экология билан нечоғли боғлиқлиғини яхши биланаман, — дейди халқ депутати Ғиждувон тумани Кенгаши депутати Роила Шамсиева. — Олий Мажлис Қўнунчилик палатаси депутатларидан иборат ишчи гуруҳи нафақат Ғиждувон, балки қўшми туманларда ҳам бўлиб, атроф-муҳит муҳофазаси бўйича мониторинг ишларини олиб боришти. Натихида бу борадаги жуда оғриқли масалалар юзага чиқди. Биз, маҳаллий Кенгашлар депутатлари учун ҳам урганиш натижалари ўзига хос сабаб бўлди. Ушбу масалани халқ депутатлари туман Кенгаши сессиясида алоҳида муҳокама қилишимиз ва аҳолини ўнглаш учун таъсирчан чора-лар кўришимиз керак.

Йилгиликда, шунингдек, атроф-муҳит муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилана фойдаланиш оид қўнунчиликни мустақамлаш билан боғлиқ фикр-мулоҳаза, тақлифлар ҳам ўртага ташланди.

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

